

Кенжабоев Дилшодбек Иброҳим ўғли

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси ўқитувчиси
Email: dits0901@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-2>

СУД КОМПЬЮТЕР ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ҲАМДА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ФЙДАЛАНИШ

Аннотация: мазкур мақолада ахборот технологиялари соҳасида ва улардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларни аниқлаш ҳамда тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланишнинг илмий-назарий масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: электрон рақамли ускуналар, дастурий таъминот, компьютер-техник экспертизаси, "панacea", электрон далиллар, кўздан кечириш, электрон рақамли контент, суд дигитологияси.

Кенжабоев Дилшодбек Иброҳим ўғли,

Преподаватель кафедры Уголовно-
Процессуального права и криминалистики
Ташкентского государственного
юридического университета
Email: dits0901@gmail.com

СУДЕБНАЯ КОМПЬЮТЕРНАЯ ЭКСПЕРТИЗА И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЕЕ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРИ ВЫЯВЛЕНИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация: В данной статье рассматриваются научные и теоретические вопросы использования специальных знаний при раскрытии и расследовании преступлений в сфере информационных технологий.

Ключевые слова: электронная-цифровая техника, программное обеспечение, компьютерно-техническая экспертиза, "панacea", электронные доказательства, осмотр, электронно-цифровой контент, судебная дигитология

Kenjaboev Dilshodbek Ibrokhim ugli,

Teacher at Department of Criminal
Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law
Email: dits0901@gmail.com

COMPUTER EXPERTISE AND THE USE OF ITS RESULTS IN DETERMINING AND INVESTIGATING CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGIES

Annotation: This article discusses the scientific and theoretical issues of the use of special knowledge in the detection and investigation of crimes in the field of information technology.

Key words: electronic digital equipment, software, computer technical expertise, "panacea", electronic evidence, inspection, electronic digital content, judicial digitology.

For citation: Kenjaboev Dilshodbek Ibrokhim ugli. COMPUTER EXPERTISE AND THE USE OF ITS RESULTS IN DETERMINING AND INVESTIGATING CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGIES. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 11-19

Мамлакатимизга сўнгги йилларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам технологияларнинг, айниқса ахборот технологияларининг ривожланган имкониятларидан фойдаланишни жадаллаштиришга алоҳида ургу қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг бир нечта, жумладан 8-бандида "Электрон парламент" тизими лойиҳасини амалга ошириш, 22-бандида ободонлаштириш органларининг ишини оптималлаштириш ва уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш вазифаси қўйилган.

Техника ва технологиянинг ютуқлари инсониятни турли кашфиётлар ва такомиллашувлар билан бойитиб, саноатнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатиш билан бирга, айни пайтда, жиноятчиликнинг ўсишига, уни содир қилиш усулларининг ҳам ўзгаришига ҳам олиб келди.

Ўтган асрнинг бошида С.Н.Трегобов [1, б.9] томонидан ишлаб чиқилган хулосалар ўз мазмуни ва аҳамиятини йўқотмасдан аксинча бугунги кунга келиб технологиянинг замонавий ривожланиш жараёнида алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бозор муносабатлари ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши инсон ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан банк муносабатлари, саноат ташкилотлари, таълим, хизмат кўрсатиш кабиларда электрон рақамли усқуналар ва дастурий таъминотни кенг жорий этишни олдиндан белгилаб берди.

Ушбу жараёнларнинг натижаларидан бири сифатида "компьютер технологиясидан фойдаланишнинг криминаллашиши" [2] ҳам вужудга келди. Сўнгги вақтларда криминал гуруҳларнинг молия-кредит соҳасига қизиқиши сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, фирибгарлик, қалбакилаштириш, ноқонуний тадбиркорлик каби "анъанавий" жиноятларда, бундан ташқари терроризм жиноятларида ҳам электрон рақамли техникалар ва дастурий

воситалардан фойдаланишнинг даражаси ошмоқда. Хусусан, электрон тўлов ҳужжатларини сохталаштириш, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний кредит карталаридан фойдаланиш, тижорат ёки давлат сирини ўзида сақловчи маълумотларни тарқатиш, "террористик сайтлар" яратиш каби жиноятларнинг янги шакллари кенгаймоқда.

Бу эса, ўз навбатида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг янги усул ва методларини ишлаб чиқиш, бу жараёнда фойдаланиладиган махсус билимлар доираси ва сифатини оширишни ҳам тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш вазифаси белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2019 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4125-сон қарори ҳам қабул қилинди.

Шу сабабли, кўплаб жиноят ишларини тергов қилишда электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидан далил манбалари сифатида фойдаланишга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўпгина олимлар, суд экспертлари ва амалиётчилар электрон рақамли ускуналарни ва дастурий таъминотни далил сифатида тадқиқ қилиш назариясини ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратмоқдалар.

Мазкур йўналишдаги илмий изланишларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- Жиноят кодексининг 2781-2787-моддаларида (Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар) кўрсатилган жиноятларни тергов қилишнинг аниқ методикасини ишлаб чиқиш;

- жиноят ишларида электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидан далил манбалари сифатида фойдаланишнинг криминалистик тактик назариясини ишлаб чиқиш [3, б.50];

- суд комьютер-техник экспертизасини ўтказишнинг назарияси ва методикасини ишлаб чиқиш.

Илмий тадқиқотлар натижалари электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидан далил манбалари сифатида фойдаланиш масаласини таҳлил қилишга ўз таъсирини кўрсатди. Шунга кўра, тизимли элементларни аниқлаб олиш ва бунинг натижасида тегишли ускуналар рўйхати билан муайян билим тизимини шакллантириш мумкин. Масалан, электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидан фойдаланган ҳолда содир қилинган жиноятни тергов қилишда вазифаларни икки гуруҳга тақсимлаш мумкин: объектларнинг моддий ва виртуал ўзаро таъсир механизмларини ўрганиш; электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидаги маълумотларни ўрганиш.

Шунга асосан қайд этиш жоизки, электрон рақамли технологиялар ва дастурий таъминот воситаларидан фойдаланган ҳолда содир қилинган жиноят ишлари бўйича маълумот ва далиллар тўплашнинг усул ва методларини, унда қўлланиладиган илмий қонуниятлар ва техник воситалар, шунингдек жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олишнинг бошқа чораларини ўз ичига олган махсус

билимларнинг мураккаб тизимини яратиш зарурати вужудга келди. Бошқача айтганда, электрон рақамли техника ва дастурий таъминот воситаларининг изларини аниқлаш, олиш ва ўрганишга қаратилган илмий-методик шарт шaroитларни ўз ичига олувчи криминалистиканинг янги йўналиши (криминалистик техника бўлимида) ташкил қилиниши лозим.

Замонавий криминалистик адабиётларда криминалистик техниканинг қуйидаги йўналишлари қайд этилган:

- криминалистик фотография ва видеоёзув;
- трасология;
- криминалистик баллистика;
- ҳужжатлар ва қўлёзмаларни криминалистик ўрганиш;
- габитоскопия.

Мазкур рўйхатга илмий изланувчилар томонидан электрон рақамли техника ва дастурий таъминот воситаларининг изларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва қайд қилишнинг усул ҳамда методларини қамраб олувчи билимлар тизимини қўшиш таклиф қилингани ҳолда уни қандай номлаш бўйича ҳар хил ёндошувлар мавжуд.

Маълумки, мазкур атама биринчи навбатда, фойдаланиладиган объектлар ва материаллар келиб чиққан ҳолда ўзида максимал ахборотни қамраб олиши, чуқур мазмунга эга бўлиши, шу билан бирга универсаллик мезонига жавоб бериши лозим [4, б.66].

Бизнинг фикримизча, таклиф қилинаётган атама мазмуни қуйидагиларни ўзида қамраб олиши лозим: компьютер ускуналари; уяли телефон қурилмалари; маиший ўйинлар префикслари; касса операциялари учун фойдаланиладиган ускуналар (касса аппаратлари); интеграл қурилиш хавфсизлиги тизимлари жиҳозлари (кириш-чиқишни бошқариш тизимлари, ёнғин сигнализацияси ва видео кузатув тизимлари кабилар); дастурий таъминот воситалари; аппарат ва дастурий таъминотнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган ҳодисалар ва жараёнлар. Шунингдек, мазкур атама компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятлар билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу йўналишда бошқа ишлар, хусусан, компьютер-техник экспертизаси назарияси ривожланишига оид тадқиқотлар ҳам олиб борилиб, бунда энг қизғин муҳокама ўрганилаётган масалаларни умумий ном билан қандай аташ тўғрисида борди. Т.В.Аверьянова мазкур йўналишни "компьютер воситалари экспертизаси" деб номлашни [5, б.273] таклиф қилган бўлиб, унга "компьютер техникаси"га алоқадорликни асос қилиб кўрсатди. Е.Р.Россинская ва А.И.Усовлар [6, б.64] "компьютер-техник экспертизаси" тушунчасидан фойдаланишни таклиф қилган бўлса, Е.А.Комкова ва П.П.Комковлар [7, б.158] "информацион-технологик экспертиза" тушунчасини илгари суришиб, унинг ўрганиш объекти "информацион тизимлар" эканлигини, дастурий, техник ва бошқа тизилмавий қисмлар ҳам мазкур тизимнинг элементларини ташкил қилишини кўрсатган.

Юқоридаги атамалар, фикримизча, компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш назарияси билан мустақкам боғланган бўлиб, у мазкур жиноятларни тергов қилишдаги камчиликларни ифодалайди. Масалан, хусусий тадбиркор С.га нисбатан Жиноят кодексининг

2786-моддаси - зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жинояти бўйича иш кўзгатилиди. Айбланувчининг ҳаракатлари эса, назорат-касса машинасининг фискал хотирасидаги маълумотларини ўзгартиришдан иборат

бўлган. Айбланувчи илтимосномаси асосида жиноят иши бўйича тайинланган суд-товаршунослик экспертизаси хулосасига кўра, назорат-касса машинаси электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ҳисобланмаслиги кўрсатилган. Бундай ҳолда жиноят иши жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги муносабати билан тугатилади. Мазкур ҳолат жиноят қонунчилигидаги бўшлиқ бўлиб, олдимизда "панацея" яъни, ҳар қандай ҳолатга мос келадиган ечим топиш зарурати туради.

Бу бизга, электрон рақамли ускуналар, дастурлар, ҳисоблаш ва уни ифода қилиш функциялари билан боғлиқ ҳодисалардан фойдаланган ҳолда содир қилинган жиноятларни тергов қилишнинг нафақат илмий қоидалари, шу билан бирга, маълумот ва далиллар тўплаш ҳамда тадқиқ қилишнинг ўзига хос техник воситалари, усул ва методларини, бундан ташқари мазкур соҳадаги жиноятларни аниқлаш ва очишнинг бошқа чораларини ишлаб чиқиш вазифасини кўяди.

Муаммонинг долзарблиги Интернет ва бошқа алоқа воситалари орқали сохта дастурий таъминотни тарқатиш мисолида аниқ кўришимиз мумкин. Бунда дастурий таъминотга бузиб кириш нуқтасининг амалда жойлашган ўрнини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этиб, у битта персонал компьютер ҳам ёки сервер платформасидаги бир неча компьютерлар тармоғи ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли, компьютер аниқланган тақдирда унинг тизим блоки билан улишни ҳолатини сифатли фотосуратга олиш ва тўғри расмийлаштириш муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда кейинчалик экспертлик текшируви ҳеч қандай аҳамиятли маълумотни аниқлаб бера олмаслиги мумкин. А.Л.Осипенко тўғри таъкидлаганидек, ахборот тармоқларида содир қилинган жиноятларнинг ўзига хослиги уларни исботлаш жараёнида ва сифатида намоён бўлиб, ҳолат бўйича кўриниб турган маълумотларни ўз вақтида расмийлаштирмаслик натижасида бошқа одатдаги исботлаш усуллари ва далиллардан фойдаланишга мажбур бўлишга олиб келади [8, b.326].

Электрон рақамли техника ва дастурий таъминот воситаларидан фойдаланган ҳолда содир қилинган жиноятларни тергов қилишнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, виртуал ёки электрон далиллардан фойдаланиш натижасида жиноят ишини юритишда айбловни ўзгартириш каби ҳолатлар келиб чиқади.

Масалан, шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 2786-моддаси (Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлаши ёки тарқатиш) билан унинг компакт дискларда контрафакт дастурлар тарқатганлиги ҳолати бўйича жинояти бўйича иш қўзғатилиб, тергов давомида унга нисбатан айблов Жиноят кодексининг 149-моддаси "Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш" билан тўлдирилиши мумкин. Шунингдек, бу соҳадаги жиноятлар аниқланиши натижасида бошқа қатор жиноятлар: жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, қонуний тадбиркорлик фаолияти, фаолият билан лицензиясиз шугулланиш кабилар ҳам очилиши мумкин. Жиний ҳаракатлар қамрови ва доирасининг кенгайиши билан уни тергов қилиш иши ҳам мураккаблашиб боради. Бу нафақат терговчи олдига, шу билан бирга ишга жалб қилинадиган эксперт ва мутахассислар олдига ҳам янги масалалар қўяди [9, b.17].

Жумладан, жиноят фактини кўрсатувчи ҳолат акс этган сайт бошқа ҳудудларда жойлашган ҳолатда уни кўздан кечириш имконияти мавжуд бўлмаса, бу ҳолатда сайт ишлашини таъминлаб турган сервер кўздан кечириш объекти ҳисобланиши керакми ва у қандай амалга оширилади? Шу каби ҳинояланган ахборотга ноқонуний кириш бошқа жойда амалга оширилган, унинг зарарли оқибатлари

эса, бошқа бир нуқтада намоён бўлганда терговни ташкиллаштириш қандай амалга оширилади?

Сервер кўздан кечириш жойида жойлашган тақдирда ҳам амалий аҳамиятга эга саволлар туғилади: электрон рақамли ускуна дисплейида жойлашган маълумот қандай расмийлаштирилади, бу маълумотлар айнан ўша ёки бошқа дастурнинг натижаси эканлиги қандай аниқланади ҳамда расмийлаштирилади? Албатта, буни кейинчалик экспертлик текширувлари натижасида аниқлаштирилиши мумкин, лекин электрон рақамли усқунанинг ишлаш фаолияти натижаларини ўз вақтида расмийлаштирмаслик унинг йўқолишига олиб келиши мумкин ёки тергов натижаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида кўздан кечириш объеклари қаторида ҳодиса содир бўлган жой, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф, бинолар, нарсалар ва ҳужжатлар кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси моддий характерга эга.

Р.С.Белкин изларни моддий ва идеал изларга бўлишни таклиф қилган. Идеал излар деганда у жиноят содир қилган шахннинг, гувоҳнинг ёки

бошқа иштирокчининг хотирасида қолган изларни тушунган [10, б.61]. В.А.Мешерякованинг фикрича эса, изларнинг учинчи гуруҳи - виртуаль излар ҳам мавжуд бўлиб, улар бинар кўринишда намоён бўлади. Улар фақатгина дастурий воситаларни ишлатувчи усқуналар ҳамда ахборотни ўзига қабул қилишга яроқли бўлган электрон усқуналарда қолади [11, б.102].

Мазкур ҳолатларда изларни кўздан кечиришнинг ҳам ўзига хослиги мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда баъзи олимлар томонидан "ахборот ташувчилардаги ҳужжатларни кўздан кечириш" тушунчаси [12, б.65] таклиф қилинган бўлиб, бунда ҳужжат деганда ахборот ташувчиларда ёзув имконияти асосида яратилган ва ЭҲМда қайта ишлаш имконияти мавжуд бўлган маълумотлар тушунилади. Шунингдек, баъзи илмий адабиётларда "компьютер ахборотини кўздан кечириш" тушунчаси ишлатилган бўлиб, бунда ахборот ташувчидаги конкрет файллар, шу жумладан зарар етказувчи дастурлар ҳам тушунилади [13, б.62].

Лекин бу тушунчаларни қўллашнинг бир қатор камчиликлари мавжуд: биринчидан, электрон ахборот ташувчи воситадаги ҳужжат - бу виртуаль субстанциянинг тор доирадаги тушунчаси ҳисобланади, бошқача айтганда ҳар қандай жиддий аҳамиятга молик виртуал ахборотни компьютердаги ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Иккинчидан, электрон усқунанинг ишлаш даврида юз берадиган ҳодиса ва жараёнлар бундай ёндошув доирасидан четда қолади. Учунчидан, таърифдан келиб чиқадики, ЭҲМ ахборот ташувчиларни кўздан кечиришнинг ягона предмети ҳисобланади, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қолган электрон рақамли усқуналар ҳисобга олинмасдан қолади [14, б.86]. Масалан, фискал хотирали касса аппарати машинаси ЭҲМ ёки компьютер эмаслиги сабабли уни кўздан кечириш натижасида олинган маълумотларни қамраб ола олмайди.

Фикримизча, кўздан кечиришнинг яна бир шаклини, яъни электрон рақамли контент (инглизча "content" - таркиб)ни кўздан кечиришни киритиш вақти келди. Рақамли технологиялар - ҳисоблаш жараёнларида турли миқдорларнинг рақамли намоён бўлиш мажмуи. Электрон рақамли контентни кўздан кечириш жараёнида ҳисоблаш жараёнлари ва ҳодисаларидаги турли миқдордаги рақамли таснифларнинг таркибини аниқлаш, таҳлил қилиш ва қайд қилишни тушунамиз.

Компьютер техникаси ва дастурий таъминотни тадқиқ қилиш уларнинг тергов қилинаётган жиноятдаги ролини аниқлаш ва ўрганиш мақсадида ўтказилади.

Бугунги кунда бир қанча давлатлар, хусусан Россия Федерацияда электрон рақамли техника ва дастурий таъминот воситалари соҳасида ёки уларни қўллаб содир қилинган жиноятларни тергов қилишда "компьютер-техник экспертизаси" тайинланмоқда [15, б.5].

Уларда асосан қуйидаги мазмундаги саволлар қўйилмоқда:

- тадқиқот учун тақдим қилинган рақамли ахборот ташиш ускунаси ўзида нима сақламоқда (дастурлар, ҳужжатлар, расмлар, мусиқий файллар ва ҳоказо)?

- тадқиқот учун тақдим қилинган рақамли ахборот ташиш ускунасида дастурий таъминот мавжудми? Агар бўлса, қандай номланган ва нечта?

- дастурий таъминот қандай мақсадга мўлжалланган?

- дастурий таъминотнинг ҳолати қандай (яроқлими яроқсизми)?

- дастурий таъминотни ишлаб чиқувчини аниқлаш имконияти мавжудми? Агар мавжуд бўлса, ким?

- дастурий таъминотни ишлаб чиқувчининг реквизитларини аниқлаш имконияти мавжудми? Агар мавжуд бўлса, унинг реквизитлари қандай?

- тақдим қилинган рақамли ахборот ташиш ускунасида битта дастур жойлашганми ёки бир неча? Ишлаб чиқувчилар нечта?

- тақдим қилинган дастурий таъминотда ундан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш воситалари мавжудми? Бўлса, у нималарда намоён бўлади?

- рақамли ахборот ташиш ускунасида ундаги дастурий таъминотнинг серия рақами, ундан фойдаланиш, дастурий таъминотдан ҳимояни олиб ташлаш бўйича йўриқнома матнлари мавжудми?

- тақдим қилинган рақамли ахборот ташиш ускунасида ундаги дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича ҳимояни олиб ташлашда ишлатилувчи дастурлар мавжудми?

- дастур коди ўзгартирилганми (модификация)? Агар ўзгартирилган бўлса, у нимада намоён бўлади? Ўзгартиш дастурий таъминотдаги рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилувчи воситани баргараф этишга йўналтирилганми?

- ўрнатилган дастурдаги серия рақам дастурнинг оригинал серия рақамига мос тушадими?

- фойдаланувчи (айбланувчи, гумон қилинувчи) дастурий таъминотга рухсатсиз кириш учун қўшимча воситалардан фойдаланганми? Агар фойдаланган бўлса, қандай кўринишда? Блокировка қандай кўринишда бузиб ўтилган?

Мазкур масалаларни аниқлаш учун нафақат компьютер-техник экспертизаси имкониятларидан, шу билан бирга, бошқа турдош экспертлар ва мутахассислар маслаҳатларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

Юқорида олимлар томонидан билдирилган "компьютер-техник экспертизаси", "компьютер-технологик экспертизаси", "информацион-технологик экспертиза" тушунчаларидаги камчиликлардан келиб чиққан ҳолда бугунги давр олимлари томонидан "дигитал" тушунчаси таклиф қилинмоқда.

Дигитал (логинчадан "digitus" - бармоқ; 0 дан 9 гача бўлган бирлик рақамлар) ҳисоблаш жараёнларида рақамли ифодаларнинг турли миқдорларини намоён қилувчи мажмуа сифатида тушунилади ҳамда рақамли ҳисоблашнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олади.

Ўз навбатида, илмнинг мазкур соҳасини "фан" (logos)ни қўшган ҳолда "дигитология", криминалистиканинг мазкур йўналишини эса, "суд дигитологияси" деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади [16, b.147].

Тақлиф этилган атаманинг афзаллиги шундаки, у биз юқорида таҳлил қилаётган жиноят ишлари бўйича содда ва бир вақтда универсал мазмун ифодалай олади.

Суд дигитологиясининг предмети - иш учун аҳамиятли ҳолатлар ва фактларни аниқлаш мақсадида электрон рақамли ускуналар, дастурлар ва ҳисоблаш ҳамда уни ифода қилиш функциялари билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш, тўплаш, мустаҳкамлаш (расмийлаштириш) ва тадқиқ қилишга оид билимлар ҳисобланади.

Суд дигитологиясининг объектлари жумласига ҳар қандай ускуналар (компьютерлар, унинг тўлдирувчи ва қўшимча ускуналари (принтер, сканер ва бошқалар), рақамли фотоаппаратлар, уяли телефонлар, фискал хотирали касса аппаратлари, GPS навигаторлар ва ҳоказо) агарда уларнинг ишлаш принципи рақамли ҳисоблашга асосланган бўлса киритилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда криминалистлар олдида суд дигитологиясини назариясини пухта ишлаб чиқиш, алоқадор фанлар тизимида ва юриспруденцияда унинг ўрнини аниқлаштириш, ўрганиш объектларини тадқиқ қилиш методларини таҳлил қилиш, суд дигитологияси объектларининг далиллар тизимидаги ўрнини аниқлаш ва унга тасиф (характеристика) бериш каби вазифалар туради.

Е.Р.Россинская суд компьютер-техник экспертизасини таснифлаш асосларидан келиб чиққан ҳолда суд дигитологик экспертизасини қуйидаги таснифлаш мумкин бўлади:

- аппаратларнинг дигитологик экспертизаси;
- дастурий-дигитологик экспертиза;
- информатсион-дигитологик экспертиза;
- алоқанинг дигитологик экспертизаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-4125-сон қарорида 1-илоvasи яъни, Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига руҳсат берилган суд экспертизалари турларининг Рўйхатида "суд-компьютер-техникавий экспертизаси" кўрсатилган, уни ривожлантиришга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бириктирилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг расмий сайтида [17] мазкур экспертиза тури кўрсатилмаган. Мазкур экспертизани такомиллаштириш жараёнида уни номлашни ҳам қайтадан кўриб чиқиш, шу билан бирга 2019 йил 1 июлга қадар янги таҳрири ишлаб чиқилиши кўрсатилган Жиноят-процессуал кодексининг ҳам тегишли моддаларида ўз аксини топади, деган фикрдамиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Трегубов С.Н. Основы уголовной техники, научно-технические приемы расследования преступлений: Практическое руководство для судебных деятелей. - П., 1915. (Tregubov S.N. The basics of criminal technology, scientific and technical methods of investigating crimes: A practical guide for judicial figures. - P., 1915)

2. Сабадаш В.П. Компьютерная преступность: криминологический обзор. 13 октября 2006. Режим доступа: <http://www.crime-research.ru/articles/2918/>. (Sabadash V. Computer crime: a criminological review. October 13, 2006. Access mode: <http://www.crime-research.ru/articles/2918/>)

3. Тактика уголовного преследования и профессиональной защиты от него. Следственная тактика: Научно-практическое пособие / О.Я. Баев. - М.: Экзамен, 2003. (Tactics of criminal prosecution and professional protection from it. Investigative tactics: Scientific-practical guide / O. Ya. Bayev. - M.: Exam, 2003)

4. Леонов А.П. О единстве современной информационно-правовой лексики // Информационная безопасность и компьютерные технологии в деятельности правоохранительных органов: Межвуз. сб. - Саратов: СЮИ МВД России, 2003. (Leonov A.P. On the unity of modern information and legal vocabulary // Information security and computer technology in law enforcement: Intercollege. Sat - Saratov: SUI of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2003)

5. Аверьянова Т. В. Проблемы становления экспертизы компьютерных средств // Информатизация правоохранительных систем: Сб. тр. - М., 2001. (Averyanova, T.V. Problems of Formation of Examination of Computer Means, Informatization of Law Enforcement Systems: Coll. tr. - M., 2001)

6. Россинская Е.Р., Усов А.И. Судебная компьютерно-техническая экспертиза. - М., 2001 (Rossinskaya E.R., Usov A.I. Judicial computer-technical expertise. - M., 2001)

7. Комкова Е.А., Комков П.П. Информационно-технологическая экспертиза: основные понятия и место в классификации судебных экспертиз // Информатика в судебной экспертизе: Сб. тр. - Саратов, 2003. (Komkova E.A., Komkov P.P. Information technology expertise: basic concepts and place in the classification of forensic examinations // Informatics in forensic examination: Sat. tr. - Saratov, 2003)

8. Оспенко А. Л. Борьба с преступностью в глобальных компьютерных сетях: (Международный опыт): Монография. - М., 2004. (AL Osi penko. Fighting crime in global computer networks: (International experience): Monograph. - M., 2004)

9. Милашев В. А. Проблемы тактики поиска, фиксации и изъятия следов при неправомерном доступе к компьютерной информации в сетях ЭВМ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 2004. (Milashev V. A. Problems of tactics of search, fixation and removal of traces with unauthorized access to computer information in computer networks: Author. dis. Cand. legal sciences. - M., 2004)

10. Белкин Р.С. Курс криминалистики. - М., 1997. - Т. 2. (Belkin R.S. Forensics course. - M., 1997. - T. 2)

11. Мещеряков В. А. Преступления в сфере компьютерной информации: основы теории и практики расследования. - Воронеж, 2002. (Mescheryakov V. A. Computer crimes: the basics of the theory and practice of investigation. - Voronezh, 2002)

12. Вехов В.Б., Попова В.В., Илюшин Д.А. Тактические особенности расследования преступлений в сфере компьютерной информации. - М., 2004. (Vekhov V.B., Popova V.V., Ilyushin D.A. Tactical features of the investigation of crimes in the field of computer information. - M., 2004)

13. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлари тергов қилишда қўздан кечирини тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва хусусиятлари: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. (Examination of crimes in the field of information technologies in the investigation procedure and features of investigative action: Educational and practical manual. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2014)

14. Соловьев Л. Н. Вредоносные программы: расследование и предупреждение преступлений. - М., 2004 (Soloviev L.N. Malicious programs: investigation and prevention of crimes. - M., 2004)

15. Основы методического обеспечения судебно-экспертного исследования компьютерных средств и систем: учебно-практическое пособие / Под ред. Е.Р.Россинской - М., 2002. (Fundamentals of methodological support of the forensic expert study of computer tools and systems: a training manual / Ed. E.R. Rossinskaya - M., 2002)

16. Романенко М.А. Судебная дигитология - современный взгляд на содержание криминалистической техники // Вестник Омского университета. Серия "Право". 2007. № 1 (10). (Romanenko M.A. Judicial digitology - a modern view on the content of forensic technology // Omsk University Bulletin. Series "Right". 2007. № 1 (10))